

Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким — ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин аини пайтда ўзлигини ҳам унутмасин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

1925-YILDAN SHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

№9 (16314)

YOSHLAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

MAXSUS SON

2019-YIL 30-YANVAR, CHORSHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovozi.uz

yoshlarovozi@umail.uz

@Yoshlarovozi

Сайтнинг рунга учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

БУХОРО:

ТАҲЛИЛ, ТАЖРИБА, ТАРАККИЁТ



ЁШ АВЛОДНИ ЁЛҒОН ВА СОХТА ҲАРАКАТ, ГАП-СЎЗЛАР БИЛАН ЭРГАШТИРИБ БЎЛМАЙДИ

Одами эрсанг демагил одами, Ониким йўқ халқ гамидин гами.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомиз бундан беш аср аввал битган пурмаъно бу мисраларнинг қиймати вақт ўтгани сари ошиб борапти. Айниқса, глобаллашув даврида минг йиллик кадрятлар унутилиб, фақат бугуннинг шавқи билан яшаш урфга айланипти. Бу омил эса, тараккиёт илдирига болта уради. Ҳар қандай ўзгариш дастлаб ёшлар ҳаётида рўй бериб, уларни тезда ўз домига тортишини инобатга олсак, наврасталарни бир лаҳза ҳам эътибордан четда қолдирмаслик кераклигини теранроқ англаймиз.

лойиҳалари бир неча бор амалга оширилган эди. Жумладан, Бухорода ҳам. Ўтган ҳафталиклар давомида ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби устувор вазифалар белгиланган эди. Бу сафар ҳам ушбу вазифалар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Лекин энди эскича ёндашув билан муаммони ҳал этиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис, бу гал аввал белгилаб олинган вазифалар қай даражада бажарилгани сарҳисоб қилинмоқда. Хато ва камчиликлар ўрганилиб, янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир. Мазкур ҳафталик айнан шу жиҳати билан бошқаларидан тубдан фарқ қилади.

ОЛИС ҲУДУДЛАРДА АЙРИМ ШАХСЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИГИ, ҲУДУДЛАРДА ИШЛАРНИНГ ТЎҒРИ ВА ТЎЛИҚ БАЖАРИЛМАСЛИГИ БАЪЗИ ТЕНГДОШЛАРИМИЗДА ЁШЛАР ТАШКИЛОТИГА НИСБАТАН ИШОНЧСИЗЛИК КАЙФИЯТИНИ УЙҒОТАЁТГАНИ ҲАМ БОР ГАП

Хусусан, шу вақтгача “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури ижроси юзасидан 264 нафар бухоролик ёш тадбиркорга 25 миллиард 700 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилган. Лекин бу тадбиркорлар ажратилган маблағни тўлиқ олганими? Кредит олиш учун тақдим этган бизнес-режасини тўла бажардимиз?



Умуман, ёш тадбиркор қутилган натижани бера оляптими? Очиги, бу каби саволларга аниқ жавоб йўқ! Ҳафталик доирасида “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси томонидан имтиёзли кредит ажратилган ёш тадбиркорларнинг фаолияти бир-ма-бир мониторинг қилиниб, очик қолган саволларга аниқ жавоблар

олинапти. Йўл кўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари албатта қўрилади. Яна бир муҳим жиҳат. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, хусусан, уларни касб-хунарга ўқитиш ва йўналтириш ҳафталик доирасида белгиланган долзарб вазифалардандир. Ёшлар бандлигини таъминлаш

Ўқтам БАРНОЕВ, Бухоро вилояти ҳокими:

Бугунги раҳбар нафақат халқ дарду ташвиши билан яшайдиган, балки юксак маънавиятли, ҳар бир ишда барчага ибрат ва намуна кўрсатадиган шахс бўлиши керак. Бунинкор этмаган ҳолда замонавий раҳбар аввало, ёшлар кўнглига ҳам йўл топа олиши шарт, деб ҳисоблайман. Негаки, ёшлар эртанги кунимизни белгилаб берадиган асосий куч, тараккиётимиз гаровидир.

Айни пайтда вилоятимизда 492 минг 775 нафар ёш бор. Уларнинг кўнглига йўл топиш, иш билан банд қилиш муҳим вазифа. Ёшларни халқ хизматида камарбаста бўлиб камол топиши биз — раҳбарларга боғлиқ. Айтиш керакки, бугун Бухоро ёшлари ҳар доимгидан ҳам фаол, ҳаётга чанқок ва янгилек яратиш кайфиятида яшайпти. Зеро, имкон қалар уларнинг бандлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Вилоятимизда туризмни ривожлантириш асносида янги иш ўринлари яратилмоқда. Яқинда Вобкент туманида лойиҳа қиймати 5 миллион доллар бўлган “Ekvatorial Chodak” корхонаси ишга тушди. Натияжада 160 нафардан ортик аҳоли иш билан таъминланди. Уларнинг аксарияти ёшлар, албатта. Корхона тўла қувват



билан иш бошлаётган, мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури ижроси юзасидан 264 нафар ёш тадбиркорга 25 миллиард 700 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу рақамлар ортида қанчадан-қанча ёшларнинг ёрут келажаги акс этган.

Умуман, вилоят миқёсида бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Лекин бу барча иш аъло, дегани эмас.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда қатор давлат ташкилоти ва идоралари билан ҳамкорликда ташкил этилган “Ёшлар ҳафталиги” доирасидаги ўрганишлар ҳали бажарилгани керак бўлган ишлар етарли эканини кўрсатди. Муҳими, ҳафталик сабаб яна бир бор вилоят ёшларининг муаммоларини ўрганиб, пухта режа асосида уларни бартараф этишга киришидик.

керак, деб айтиш осон. Аммо муаммони бартараф этишнинг ўзи бўлмайди. Негаки, бу борадаги нуқсонлар йиллар давомида йиғилиб қолган. Узок вақт меҳнат бозоридати талаб ва таклиф ўрганилмаган. Натияжада кадрларга эҳтиёж бўлган корхонада мутахассис етишмайди. Бор кадрлар эса, иш тополмай сарсон. Хусусан, ҳозирги вақтда вилоятда 23 минг 148 нафар ёш, шу жумладан, афв этилган, жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган йигит-қизнинг бандлиги таъминланмаган.

Ҳафталик доирасида касб-хунарга ўқитиш курслари ва тўғарақлари ташкил этилиб, уларда ёшлар замонавий касб-хуналарни ўрганимоқда. “Ёшлар марказлари” неги-

қасдан олам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш, номушта тегтиш ва бошқа жиноятлар ҳамда мавжуд. Бу қимнингидир фарзанди ҳалок бўлишига, яна бошқа бировнинг оиласи бузилишига олиб келган. Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳафталик давомида воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналиши бўйича алоҳида ишлар олиб борилиши айни муддао бўлди. Чунки эртага ҳонадонларимизда бу каби аянчли ҳолатлар содир бўлмаслиги, йигит-қизларимизнинг шаъни, келажагига доғ тушмаслигини таъминлаш муҳим. Донулар “Қасални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал” дея бежиз айтмаган.

ЭНДИ ЭСКИЧА ЁНДАШУВ БИЛАН МУАММОНИ ҲАЛ ЭТИБ БЎЛМАСЛИгини ҲАЁТНИНГ ЎЗИ КўРСАТИБ ТУРИБДИ

зида ташкил этиладиган курсларда 12 минг 920 нафар ёш касб-хунарга ўқитилляпти. Шунингдек, “Хар фермерга бир ёш” лойиҳаси доирасида 1 минг 520 нафар ёшга 1 гектардан ер ажратилиши кўзда тутилган.



Ёшлар, хусусан, воёга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш, нафақат Ёшлар иттифоқи, балки барчанинг олдида турган муҳим ва кечиктириб бўлмас вазифадир. Маълумотларга кўра, 2018 йилда вилоятда воёга етмаганлар томонидан 62 та жиноят содир этилган. Улар орасида

Бунинг учун эса, жойларда ёшлар билан амалий суҳбатлар, психолог маслаҳатларини ташкил этиш, ҳуқуқий саводхонликни ривожлантириш борасида тизимли чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш талаб қилинади. Бу борада маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий ҳаётга фаол бўлмаган ёшлар билан ишлаш, уларни турли иллатлар домига тушиб қолишдан сақлаш бўйича маънавий-маърифий учрашув ва очик мулоқотлар ўтказилмоқда.

Юқорида айтганимиздек, Бухорода бошланган лойиҳа “бажарилди”, “аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди” каби “хисобот” ишлар учун ташкил этилмаган. Балки аввал режага қиритилган, аллақачон самара берган ва бериши керак бўлган ишларнинг реал ҳолатини ўрганиш учун амалга оширилмоқда.

Ахир ёш авлодни ёлғон ва сохта ҳаракат, гап-сўзлар билан эргаштириб бўлмайди. Ўзаро ишонч эса, эртага ёшлар ҳаётида қатта ўзгаришларга, ютуқларга сабаб бўлади, албатта!



ТАҲЛИЛ, ТАЖРИБА,

ШОФИРКОН ТАЖРИБАСИ ЯРАТИЛАДИ

Шофиркон туманида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуронбоев, вилоят ҳокими Ўқтам Барноев иштирокида ёшлар билан мулоқот бўлиб ўтди.



Бандлик, тадбиркорликни йўлга қўйиш, жиноятчилик профилактикаси, навросталарнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва уларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш масалалари устуворлик касб этган тадбирда ёшлар томонидан билдирилган талаб ва тақлифлар атрофида муҳокама қилинди.

Оқик мулоқот тарзида ўтган учрашувда Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуронбоев томонидан тақлиф этилган "Хафтада бир китоб" лойиҳаси қизғин қўллаб-қувватланди. Чунки ёшларнинг мурожаатлари жабб қилиниб, улар ўртасида "Темур тузуқлари", "Бобурнома", "Ўтган кунлар" каби адабиётимизнинг сара намуналарини омдалаштиришга қаратилган лойиҳада китобхон ёшлар сараланиб, Тошкент шаҳридаги диққатга сазовор жойларга саёхатга юборилиши ваъда қилинди.

Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ташаббуси билан Шофирконда Ёшлар маркази қурилиб, жорий йил Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши белгиланди. Марказда шофирконлик ёшлар учун турли тўғарақ ва йўналишлар бўйича бепул машғулотлар билан бир қаторда каттагина кутубхона ва ўқув зали ҳам ташкил этиладиган бўлди.

Шунингдек, мазкур учрашув доирасида ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш билан боғлиқ янги ташаббуслар ҳам илгари сурилди. Бунда мактаб етакчисининг профилактика инспектори, мудофаа бўлими ва бошқа тўғрақлар билан шартномавий асосда ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали ёшлар билан ишлашда Шофиркон тажрибасини яратиш, бу бўйича алоҳида "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш белгиланди.



Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Оқик мулоқотда иштирок этганлар оқик кундалик маънавий муаммолардан тортиб, ўз лойиҳаларини халқаро миқёсда олиб чиқишга бўлган жиддий масалаларни ўртага ташлади. Натияжада, ҳудуддаги спортчиларнинг республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этиш имкониятига эга эмаслиги, ёш тадбиркорларнинг имтиёзли кредитлар олишда муаммоларга дуч келаётгани, ҳарбий хизматни ўтаб кайтган ёшларни иш билан таъминлаш механизми йўқлиги каби ижтимоий камчиликлар ҳануз сақланиб қолаётгани оидинлашди.

Масалан, саноат йўналишидаги касб-хунар коллежини тамомлаб, бир йиллик ҳарбий хизматни ўтаб кайтган, айни пайтда ишсиз юрган Аҳмаджон Рустамов умумтаълим мактаби ёшлар етакчиси лавозимига ишга тақлиф қилинди. Жорий ўқув йили якуни билан Ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасасида ўқишга тавсия этиладиган бўлди.

Шунингдек, Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабаси Завкиддин Олимов бир гуруҳ бебош ёшларга қўшилиб, жиноят содир этган. Албатта, қонун қаммага баробар. Тенгдошимизга бу ҳаракати учун суд томонидан беш йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган. Оқибатда Завкиддин олий таълим муассасасида таълимни давом эттириш имкониятидан маҳрум бўлган. У кўпчилик олдидан қилмишидан қаттиқ пайғамон эканини билдириб, Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисидан ўқини давом эттириш юзасидан амалий кўмак беришини сўради.

Бухоро давлат университетининг туризм факультетида тахсил олиб, меҳмонхона хўжалигини юритиш ва бошқариш мутахассислигига эга бўлган Баҳриддин Нуриддинов иш сўраб мурожаат қилди. У вилоят ҳокимининг тавсиясига кўра, шу жойнинг ўзид



Шофиркон тумани ҳокимлигининг инвестиция бўлимига ишга қабул қилинди.

Шофиркон туманидаги 1-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Шербек Шавкатовнинг бинойидек овози бор. Шербекнинг буvisи Назоқат опа Элмуродова вилоят ҳокимиға мурожаат қилиб, ундан неварасининг қўшқиларини студияда ёзишда ёрдам сўради. Туманда яқодор ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш масаласидаги ўзибўларчилик шу нуктада ошқор бўлиб қолди. Нега деганда, шахсан вилоят ҳокими томонидан Шофиркондаги 9-муслика ва саныат мактабига совға тарикасида берилган, қиймати 8 минг АҚШ доллари бўлган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган замонавий овоз ёзиш студияси мавжудлиги ҳақида туман ёшлари хабардор эмас.

Бир сўз билан айтганда, учрашувда Бухорода ёшлар муаммолари билан ишлаш, уларнинг интилиш ва ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва психологик хизмат кўрсатиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, бандлигини таъминлаш орқали оилалар мустаҳкамлигига эришиш каби йўналишларда ҳали кўп иш қилиниши кераклиги маълум бўлди.

Энг муҳими, ёшлар билан мулоқотда вилоят ҳокими Ўқтам Барноев таъкидлаганидек, ҳудудда йирик саноат ва сервис, кишлок хўжалиги ва тадбиркорлик соҳаларига йирик инвестиция лойиҳаларини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Бу ўз навбатида, Бухоро ахлига, айниқса, бухоролик ёшларга иштиёқ билан ўқиш, садақот билан ишлаш, марок билан дам олиш имконини беради. Ҳар бир қишга ўз орзу-истакларини рўёбга чиқариш, шу муқаддас Ватан билан фахрлиниб яшаш бахтини тўхфа этади.

ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

Юртимизда ўз тадбиркорлигини бошлаб, юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигига хизмат қилишни кўзлаган ёшлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Бунинг учун мамлакатимизда барча имконият ва шароитлар яратилган. "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури эса, соҳага қизиққан навросталар, тенгдошларимиз учун айни муддао бўлмоқда.

Ҳозирда республикамизнинг ҳар бир ҳудудида "Yoshlar mehnat guzari" комплекслари ҳамда "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказларини қуриш бўйича тизимли ишлар амалга ошириляпти. Давлат дастури доирасида ёшларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун бўш турган бино ва ер участкалари ажратилмоқда. Шунингдек, "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар ёш тадбиркорлар сафи кенгайишига туртки бўлиб, ёшлар орасида ишсизлик муаммосини бартараф этиш имконини бераёттир.

Аммо бугун бу имкониятлардан ёшлар унумли фойдаланишти? Ҳисоботлардаги "қилинди", "бажарилди", деган маълумотлар тўғрими? Мавжуд вазият амалда қандай? Шу ва бошқа саволларга жавоб топиш, ёшлар кластерлари фаолиятини атрофлича ўрганиш мақсадида республика ишчи гуруҳи Вобкент қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежига ташриф буюрди.

Айтиш керак, таълим муассасасида тенгдошимиз Муҳаммадсоли Саноев томонидан тадбиркорлик кластери ташкил этилган. Ёш тадбиркор коллеж ҳудудидаги бўш турган бинони ноль қийматда ижарага олиб, ҳозирда "Braiten" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди. Қувонарлиси, бу орқали Муҳаммадсоли 15 нафар хотин-қизини доимий иш билан таъминлади. Мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар айни пайтда бутун республикамизда ўз мижозларига эга.

Ўрганиш давомида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан коллеж ҳудудида яна бир брусчатка ишлаб чиқариш, тумандаги маънавий хизмат касб-хунар кластерида тикувчилик кластерларини ташкил этишга келишилди. Шунингдек, Муҳаммадсоли Саноевга фаолиятини кенгайтириши учун коллеждан яна бир хона ажратилган бўлди.

Ана шундай ёш тадбиркорлардан бири Бекзод Халимов ҳам бир неча йиллардан бунён ёғоч ўй-мақорлиги фаолиятини йўлга қўйиб келади. Ўтган йили 160 миллион сўм миқдордаги имтиёзли кредит орқали ўз ишини янада кенгайтирди.

Цехда замонавий эшик-ромларни ишлаб чиқариб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди.

Яна бир ёш дўстимиз Рустам Атоев ҳам мана ўн йилдирки, Россия давлатига катнаб, қурилишда ишлаётган. Ўтган йили у "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси маблағларини ҳисобидан 160 миллион сўм кредит олиб, "Сариосиё" маҳалласида чорвачиликни йўлга қўйди. Ёш чорвадор Польша ва Голландиядан 15 та симментал ва голштино зотли қорамолни келтириб, қунига ўртача 10-20 литр сут оляпти. Тенгдошимиз келажакда ўз фаолиятини кенгайтириб, сут маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўймоқчи.

Қоровулбозор туманида "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида ёш тадбир-



корларга имтиёзли кредит ажратилиши масаласида юзага келаётган муаммоларни ўрганиш ва ёшларда тадбиркорлик қўнқималарини шакллантиришга қаратилган "Бизнесни ташкил этиш ва уни бошқариш" мавзуда семинар-тренинг ташкил этилди. Тадбир давомида 100 нафардан ортиқ ёш тадбиркорга кредит ажратиш масаласида учраётган муаммолар ва йўл қўйилаётган камчиликлар ўрганиб чиқилди.

Яқунда ўқувчи-ёшлар тадбиркорлик қўнқималарини эгаллаштириш учун Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази қошидаги ташкил этилган "Бизнес клуб"га тақлиф этилди.

ҲАР ФЕРМЕРГА БИР ЁШ

Шофиркон туманида "Ҳар бир фермерга битта ёш" лойиҳасини амалга ошириш ва бу орқали 50 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш белгиланган. Шундан 31 нафар ёшга ҳали-бери ер берилмаган экан. Ишчи гуруҳ бу масалага ҳам жойида ечим топиш чораларини кўрди.



Вобкент туманида Асад Мирзаев раҳбарлигидаги "Нажм Тошобод" фермер хўжалиги ҳудудидан ёш фермер Файзулло Файзиёва, Рухсона Сафаровага бир гектардан боғ майлони ажратилди.

Таъкидлаш керак, "Ҳар бир фермерга битта ёш" лойиҳаси доирасида фермерларга бир нафар банд бўлмаган ёш бириктирилиб, унга ғалладан бўшаган ер майдонидан бир гектар бериш тартиби йўлга қўйилган эди.

ЎРГАНИШЛАР ДАВОМИДА СОХИБЖОН ЭШПЎЛТОВГА "ҒАРИБШОХ" ҚИШЛОҒИДАН БЕШ СОТИХ ЕР МАЙДОНИ ТУМАН ҲОКИМИ ҚАРОРИ АСОСИДА АЖРАТИЛДИ. СОХИБЖОН БУ ЕРДА "YOSHLAR MEHNAT GUZARI"НИ БАРПО ЭТИШ НИЯТИДА.

— Туман ҳокимлиги, Ёшлар иттифоқи, Фермерлар кенгаши туман бўлимига ер сўраб, мурожаат қилган эдим, — дейди Файзулло Файзиёва. — Бугун бир қунда мурожаатимга ижобий ечим топилди. Фермер хўжалиги ҳудудидан фойдаланилмаётган бир гектар ер майдонига эга бўлдим. Бу ерда интенсив боғ яратиш, маҳсулотларини жаҳон бозорига экспорт қилмоқчиман.

Ўрганишлар давомида Соҳибжон Эшпўлтовга "Ғарибшоҳ" қишлоғидан беш сотих ер майдони туман ҳокими қарори асосида ажратилди. Соҳибжон бу ерда "Yoshlar mehnat guzari"ни барпо этиш ниятида.

Бу борадаги амалий ишлар вилоят бўйлаб давом этмоқда.

SITIUS, ALTIUS, FORTIUS



Спорт — саломатлик гарови. Спорт билан шугулланган инсон бозорига экспорт қилмоқчиман.

тонгни бадантарбия билан қарши олди. Бухоро спорт мажмуасида 3 минг нафар йигит-қизлар "Биз соғлом турмуш тараққоримиз!" шиори остида бадантарбия машқларини бажарди.

— Ёшларни спортга жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни мақсад қилганмиз, — дейди Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши бўлим мудир Умид Ражабов. — Спорт билан шугулланган киши жиноятга қўл урмайди, фойдали иш билан машғул бўлади.

ҲУНАР — ЗАР

Қоровулбозор туманида ҳафталик доирасида ёш хотин-қизларни тўқувчилик ва тикувчилик касбига ўргатиш мавзусида маҳорат дарслари бўлиб ўтди. Ёшлар иттифоқи томонидан ташкил этилган тадбирда республика ёшлар маркази Бухоро вилоят бўлимига келган туман тўғарақ раҳбари Зарнигор Рўзиёва томонидан ёш хотин-қизларга тўқувчилик сир-асрорлари ўргатилди. Тадбирда 30 нафарга яқин ёш камраб олинди.



АМАЛИЙ ИБРАТ



Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида, юртининг чинаяк посбони этиб тарбиялаш барча замоналарда ҳам муҳим вазифа ҳисобланган. Бугун бу масала янада муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. "Ёшлар ҳафталиги" доирасида бухоролик ёшлар ўртасида ҳарбий ватанпарварликни тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Республика ишчи гуруҳи аъзолари вилоятдаги қатор ҳарбий қисмларда бўлиб, у ердаги ёшлар етакчиларининг фа-

олияти билан яқиндан таништи. Қоровулбозор туманидаги ҳарбий қисмларда иттифонинг бошланғич ташкилот етакчилари учун зарур шароитлар яратилган. Бундан унумли фойдаланган ташаббускор етакчилар мунтазам тарғибот тадбирларини ўтказиб, ёшларнинг армияга, ҳарбий хизматга бўлган қизиқишини оширмоқда. Бир сўз билан айтганда, улар ҳудуддаги ёшлар ва ҳарбий хизматчилар ўртасидаги дўстлик кўприги вазифасини бажарити. Ҳафталик доирасида бу яна бир бор намоён бўлди. Тумандаги ҳарбий қисмда 150 нафар ўқувчи-ёшлар учун "Очик эшиклар кўни" ташкил этилди. Тадбирда йигит-қизлар ҳарбийлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан таништи. Ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмили чиккишлари эса, ўқувчиларда юрт посбонлигига бўлган ҳавас туйғусини кучайтирди.

Бухоро шаҳридаги Бухоро гарнизони ҳарбий прокурори иштирокида ташкил этилган тадбирда эса, профилактик рўйхатга турган 42 нафар ёш ҳам иштирок этди.

СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН

"Ёшлар ҳафталиги" доирасида республика ишчи гуруҳи аъзолари Бухоро шаҳридаги 32-мехрибонлик уйига ташриф буюрди.

Айни пайтда 107 нафар ўғил-қиз тарбияланаётган мазкур муассасида навросталар учун барча шароитлар яратилган. Ишчи гуруҳ бу ердаги ҳолат билан танишиб, болаларга совға улашди.

Тадбир давомида мехрибонлик уйи тарбияланувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Яқунда муассасидаги ўғил-қизларнинг Хоразм вилоятига саёхатини ташкил этишга келишиб олинди.



ТАРАҚҚИЁТ

ҒОЯЛАР КЛУБИ ТУЗИЛАДИ

Инновацион ривожланиш вазирлиги бошкарма бошлиғи Олимжон Тўйчиев инновация ва рационализаторлик таклифлари асосида тайёрланган лойиҳалар билан танишиш мақсадида Вобкент қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежига ташриф буюрди.



АБДУЛВОСИД ВА МИРАЛИ ЧОРИЕВЛАР ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН СУВ БИЛАН ХАРАКАТЛАНДИГАН КЎЧМА КРАН, ЭКСКАВАТОР МАКЕТЛАРИ МУХОКАМАЛАРГА САБАБ БЎЛДИ

Ёш инноватор Акбарали Камолов томонидан такдим этилган "Ҳарбий робот" лойиҳаси катта кизиқишга сабаб бўлди. Мазкур лойиҳа чегара постлари учун мўлжалланган бўлиб, ҳозирда унинг чизма лойиҳаси тайёр.

Тумандаги 2-умумтаълим мактабининг ўқувчиси Элбек Иноятов эса, янада кизиқарли лойиҳага қўл урди. Олдий гугурт чўпидан ясалган "Эйфел" минораси, кема ва бежирим уй макети кўпчиликда хайрат уйғотди.

Шунингдек, Абдулвосид ва Мирали Чориевлар томонидан яратилган сув билан ҳаракатланадиган кўчма кран, экскаватор макетлари муҳокамага сабаб бўлди.

ҳам муҳофаза қилган бўларди. Бундай иқтидорли ёшлар билан туманда "Инновацион ғоялар клуби"ни ташкил этишни режалаштирдик.

Шу кайи учрашув Шофирқон тумани ёшлари билан ҳам ташкил этилди. Тумандаги ёшлар томонидан "Радио ва газ-электростанцияси", "Сайёҳ автомобиль", "Электромобил", "Электрон ўйинчоқ" макетлари намойиш этилди.

ИЛҲОМ ЛАҲЗАЛАРИ

Жондор тумани 1-умумтаълим мактабида ёш қалам соҳибларининг Республика ёш ижодкорлар кенгаши раиси Мехриноз Аббосова, Халқ таълими вазирлиги ўринбосари Дилшод Кенжаев билан учрашуви бўлиб ўтди.



200 нафарга яқин истеъдод эгалари шеърят, адабиёт ва ижод олами бўйича мутахассисларга саволлар билан муносабат қилди. Ўз ижод намуналарини йиғилганларга такдим қилди.

Яқинда йиғилганлардан қайси ижод турига кизиқиши, қимларни мутлола қилганини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилди.

200 НАФАРГА ЯҚИН ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ ШЕЪРИЯТ, АДАБИЁТ ВА ИЖОД ОЛАМИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАРГА САВОЛЛАР БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛДИ. ЎЗ ИЖОД НАМУНАЛАРИНИ ЙИГИЛГАНЛАРГА ТАҚДИМ ҚИЛДИ.

ҲАМ ЎҚИТУВЧИ, ҲАМ ТАДБИРКОР

Тендошимиз Бахтиёр Бобомуродов ўқитувчи бўлса-да, узок йиллардан буюн тадбиркорлик билан шугулланишни мақсад қилиб юрди. Ҳафталик доирасида дўстимизнинг нияти амалга ошди. Унга Жондор педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг бўш турган биноси ноль қийматда фойдаланиш учун берилди.

Ёш тадбиркор бу ерда тикувчилик цехи очиб, иш қиймлари, мактаб формалари ишлаб чиқа-



ришни режалаштирган. Агар ушбу лойиҳа амалга ошса, беш нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланади.

ИРОДАНИНГ ЛОЙИҲАСИ



Бухоро тумани Галаосиё қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежидан ёш дизайнерлар учун маҳорат дarsi бўлиб ўтди. Ёш дизайнерлар кенгаши раиси Дилноза Умрзокова томонидан тадбирда соҳага кизиқувчи ёшларга керак-

ли тавсиялар берилди. Тадбирда коллеж ўқувчилари ўзларининг дизайнерлик лойиҳаларини намойиш этди.

— Бухоро ёшлари чиндан ҳам истеъдодли, — дейди Дилноза Умрзокова. — Бу ерда яна бир қобилиятли киши кашф қилдим. Ирода Ибодова дизайнерлик соҳасига янги йўналишни олиб кирмоқда. Модалар намойишида моделлар ўрнига миллий кўтирочлардан фойдаланишни таклиф қилди. Ироданинг лойиҳасини Бухорода ўтказилиши режалаштирилган. "Ўзбекистон халқаро мода Ҳафталиги"да олиб чиқишни режалаштирармиз.

ОИЛАНГИЗНИ АСРАНГ!

Халқимизда "Бир кун жанжал чиккан уйдан қирк кун барака кетади", деган аjoyиб нақл бор. Бунинг замирида оила шаъни, тинчлиги удуғланиб, эр-хотиннинг бир-бирини тушуниб, фарзандлар тарбиясида яқдил, оқилона қарорлар қабул қилишига ишора мужассам. Аммо ўзаро тушуновчилик, уруш-жанжаллар оила мустаҳкамлигига путур етказиши.



Доимий таътиқлар таъсирида улғайган болалар эртага соғлом фикрли инсон бўлиб етиши даргумон.

Ҳафталик доирасида Республика Хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий бўлими, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, ФХДБ бўлими ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари ажратиш остана-сида турган ёш оила вакилларининг оилавий шароити, мавжуд сабабларни атрофича ўрганиб чиқди. Ураётган салбий иллатларнинг олдини олиш борасида чекка туманларда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази мутахассислари томонидан ажрим ёқасида турган ёш оила вакиллари учун "Психолог қабули" ташкил этилди.

Шофирқон туманида маҳалла раисларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари, таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ҳамда мактаб психологлари учун "Муваффақиятга эришиш сирлари", "Ажрим ва унинг салбий оқибатлари" каби мавзуларда психологик тренингларида ўраётган муаммолар таҳлил қилиниб, уларнинг ечими борасида таклифлар ўртага ташланди. Тадбирлар доирасида ёшлар билан бевоқиф ишлайдиган мутахассисларга оғир вазиятдаги ёшлар билан ишлаш, уларнинг кўнгилга йўл топиш ҳамда соғлом ҳаётга қайтариш сирлари ўргатилди.

Коровулбозор туманида эса, ишчи гуруҳ профилактик рўйхатда турадиган 20 нафар вояга етмаган ёш билан суҳбатлашти. Мутахассислар ёшларнинг муаммосига қулоқ тутиб, уларнинг ҳар бири жамият учун керакли эканини, ҳаётдаги ўрнини топиб олишида қўмақлаштишга шай эканини айтди. Ҳаётий муаммолар сабаб тушкун ҳолатга тушган ёшларнинг келажак ва атрофдаги инсонларга бўлган фикри ижобий томонга ўзгарди.

Шунингдек, тажрибали психологлар худудлардаги учрашувлар давомида ажрим ёқасига келиб қолган оилалар билан суҳбатлашти. Зиддиятли вазиятдаги ёшларга оиланинг муқаддас кўрғон, ўткинчи ташвишлар эса, инсон учун синон экани тушунирилди. Тадбирлар бесамар кетмади, албатта.

Хусусан, вобкентлик Хусан Жўраев ҳам оиладаги арзимас кичик муаммолар туфайли ажрашмоқчи эди. Учрашув давомида психолог ва мутасаддирлар томонидан унга оила муқаддас экани, айниқса, мурғак қизининг келажак отанинг бутун қабул қилганидан қарорига боғлиқлиги тушунирилган, у ўз қарорини ўзгартирди.

Қайнона-келин муносабатларининг ёмонлашуви сабаб Ҳамидовлар оиласидаги нотинч ҳолат ўрганилиб, муаммо баргараф этилди. Психолог томонидан ёш эр ва хотин бир-бирини тушуниб, мустаҳкам оила бўлганига қадар вақтинчалик ижара уйга чиқиб таклифи ёшларга ҳам, оила катталарига ҳам маъқул келди. Қун давомида 50 га яқин оила вакиллари билан суҳбат ўтказилиб, ижобий натижаларга эришилди.

БЎШ ЮРМАСЛИГИ КЕРАК

Бутунги кунда Когон тумани аҳолисининг 19 минг нафардан ортгани ёшлар ташкил этади. Уларнинг бандлигини таъминлаш, доимий иш ўрнига эга бўлиши муҳим масала. Бу боралдаги ишларни тизимли ташкил этишда ҳафталик муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, "Орифон" ҳамда "Когон" маҳалласи ёшлари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада тумандаги 41 та корхона ва ташкилот 350 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Яқинда 41 нафар ёш ишга жойлашди.

Бирок айрим туманларда кўчма меҳнат ярмаркаларини ташкил



этишда ҳато ва камчиликларга йўл қўйилди. Ярмаркаларга ишсиз бўлган эмас, балки коллеж ўқувчилари жалб этилди. Бу эса, ҳамон худудлардаги айрим масъул шахсларнинг қўл ҳато иш тутатганини кўрсатади.

АДАШТИРМАСИН ЭКАН

Ҳафталик доирасида адашган, экстремистик оқимлар таъсирига тушган ва ўз вақтида ҳатосини тушуниб, қилмишидан пушаймон бўлган ёшларнинг бутунги ҳаёти, дарду ташвиши билан яқиндан танишиш, уларга кўмак бериш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вобкентлик Раҳматулло Чўлиев ана шундай адашган ёшлардан. У айрим кимсаларнинг ғаразли нияти сабаб экстремистик оқимга қўшилиб қолган эди. Лекин Р.Чўлиев ҳатосини вақтида англаб, қилмишидан пушаймон эканини билдирган.

Ишчи гуруҳ Раҳматуллони қийна-

ётган муаммоларни баргараф этиш, пировардида ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида унинг хонадонига борди. Суҳбат жараёнида Раҳматулло ниҳоят тўғри ўқитиб ниятида эканини, лекин бунинг учун етарли маблағи йўқлигини айтди. Унинг бу муаммоси шу жойининг ўзида ҳал қилинди.

Қолаверса, жараёнда Р.Чўлиевнинг отаси ҳам, онаси ҳам 2-гуруҳ ноғирони экани аён бўлди. Ташаббускор ҳомийлар қўмағида оилага моддий ёрдам кўрсатилиб, ота-онаси тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Ҳамза РЎЗИЕВ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бухоро вилоят кенгаши раиси



"Ёшлар ҳафталиги"да аввало, ёшларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Барча муаммо бекорчиликдан келиб чиқади. Ҳафталикда эса, республика ишчи гуруҳи ҳар бир йўналиш бўйича бизга зарур кўрсатма ва кўмак бераётгани бухоролик ёшлар ҳаётида ўзининг ижобий самарасини бериши тайин.

Жумладан, Шофирқон туманида "Ҳоким ва ёшлар" учрашувидек, бир қанча ёшлар ишли бўлди. Муҳими, ўтказилаётган учрашувлар сафсатабозлик ва қуруқ гаплардан йироқ бўлмоқда. Аниқ, самарали ишларга қўл урилмоқда.

Шунингдек, "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури ижроси юзасидан ёш

тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун ҳар бир туманга 20 миллиардга маблағ ажратилган бўлди. Бу эса, ёш тадбиркорлар ва ўз бизнесини бошлаш ниятидаги йигит-қизлар учун катта имкониятдир.

Ҳафталик доирасида ёшлар ташкилотининг қон томири бўлган бошланғич ташкилот етакчилари фаолиятда учрайдиган муаммолар ҳам баргараф этилмоқда.

БУХОРО ВИЛОЯТИДА "ЁШЛАР ҲАФТАЛИГИ" ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ВА МАНЗИЛЛИ ИШЛАР



ЖАЛБ ЭТИЛГАНЛАР

- ✓ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати (И.Холдиев),
- ✓ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати (Ж.Абдужалилов),
- ✓ "Ёшлар — келажимиз" жамғармаси ижрочи директори (Б.Баҳромбеков),
- ✓ Халқ таълими вазири ўринбосари (Д.Кенжаев),
- ✓ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари (Б.Умрзоков),
- ✓ Жисмоний тарбия ва спорт вазири ўринбосари (Ш.Моминджанов),
- ✓ Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари (А.Юсупов),
- ✓ Республика маҳаллалар Кенгаши раиси ўринбосари (Т.Қирғизбоев),
- ✓ Инновацион ривожланиш вазирлиги бошкарма бошлиғи (О.Тўйчиев),
- ✓ Республика "Ватанпарвар" ташкилоти маркази раҳбари (Ш.Исмаилов),
- ✓ "Ўзмиллибанк" бошқарув раиси ўринбосари (Б.Жалилов),
- ✓ "Халқ банки" республика бошқарув раиси ўринбосари (Н.Аббосов),
- ✓ "Ҳамкорбанк" масъул ходими (Т.Адилов),
- ✓ Марказий Банк бош иқтисодчиси (Ж.Арелонов),
- ✓ Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари (У.Бўтаев),
- ✓ "Ўзтрансгаз" АЖ бўлим бошлиғи (А.Қаюмов),
- ✓ "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси Ижрочи директори ўринбосари (И.Раҳимов),
- ✓ Ўрта махсус таълим маркази бошкарма бошлиғи (С.Санакулов),
- ✓ Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази директори (Ш.Зарипов),
- ✓ Дин ишлари бўйича қўмитанинг масъул ходими (М.Мухаммадсиддиқов),
- ✓ "Хунарманд" уюшмаси масъул ходими (А.Тоҳиров),
- ✓ "Ўзбекэнерго" АЖ масъул ходими (Р.Аҳмедов),
- ✓ ИИБ ХПББ МТБ инспектори (У.Мирзатиллаев),
- ✓ Ёш дизайнерлар кенгаши раиси (Д.Умрзокова),
- ✓ Ўзбекистон фермерлар Кенгаши бўлим бошлиғи (Ш.Муратов),
- ✓ Тошкент шаҳар Ёшлар маркази директори (Х.Бекмуродов),
- ✓ Республика "Ёш ижодкорлар Кенгаши" раҳбари (М.Аббосова),
- ✓ Ёшлар муаммоларини ўрганиш институти масъул ходими (З.Луқманова),
- ✓ Ёшларга ижтимоий психологик хизмат кўрсатиш маркази раҳбари (Д.Шодиёва),
- ✓ Республика Усмирлар олий спорт маҳорати мактаби раҳбари (Б.Агзамов),
- ✓ Олимпия захиралари мактаб-интернати директори (М.Алимов),
- ✓ Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши бўлим мудири (У.Ражабов),
- ✓ Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази координатори (Ш.Арипов),
- ✓ Бухоро вилоятидаги давлат ва нодавлат ташкилотлар мутасаддилари.

KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR

VATAN mening nazdimda

Bunyod ABDULLAYEV

Har bir kishi Vatanni o'zicha tushunadi: kimdir onasini, kimdir elini, yana kimdir tug'ilgan joyini... Menda esa, sal boshqacha. Vatan desa, ko'z o'ngimda bolaligim gavdalanadi.



Bolaligim chekka qishloqda o'tgan. Onamning aytishicha, juda qaysar, yig'loqi, o'yinqaroq bo'lgan ekanman. Kechagiday esimda, ikki yoshga to'lar to'lmas qo'lim sinib, ammam bilan qo'limizni to'pponcha qilib o'ynardik.

Ko'p o'tmay gips ham olib tashlandi. Ammo qo'lim qiyshiq bo'lib qoldi — gips noto'g'ri qo'yilgan ekan. 2000-yil edi. Dadamning ishi yuzasidan Jizzax shahriga ko'chib keldik. Yangi joyga tezda ko'nikdim, do'stlarim ham talaygina edi. Ayniqsa, bir qizaloq bilan aka-singildek bo'lib qoldik. U bilan doim birga o'ynar, orada janjallashib ham qolardik, ammo ertasiga hech nima bo'lmagandek yuraverardik.

Shunday kunlarning birida qo'limni davolash maqsadida Samarqand shahriga olib kelishdi. O'sha kun hamon yodimda: qorong'i yo'lakdan dadam yurib kelardi. Operatsiyaga o'z fursat qolgan, men esa, dadamni qattiq quchoqlab yig'ladim. Endi o'ylasam, o'shanda meni yig'latgan shifokorlarning ninasi yoki operatsiya otlig' vahima emas, balki esimni taniganimdan beri birinchi marta dadamni quchganim bo'lgan ekan.

Bahor edi. Yaqindagina jarrohlik stolidan turganimga qaramay, chopib, o'ynab yurardim. Buvim kasalxonada hovlisidagi o'rikdan dovuchcha terib berardi. Hamshiralar menga "yig'loqi", deb laqab qo'ygandi. Chunki hammani "tavbasiga tayantirgan" edim-da. Buvimdan "yana qancha yotamiz?", deb so'rayverardim.

Buvim esa, garchi sanashni bilmasam-da, "o'n kun yotamiz", deb barcha barmoqlarini ko'rsatardi. O'n kun o'tgach, dadam bilan uyga qaytdik. Xursand bo'lib, yana ko'cha changitishga tushdim.

Qo'lim tuzalib ketgach, dadam menga karatedan saboq bera boshladi. Bu talabchan "qora belbog'" sohibining qora terga botiruvchi topshiriqlarini aytganiday ado qilgunimcha bo'larim bo'lardi. Har kun tongda, shudring tushgan futbol maydoniga olib borib yugurtirar, mashq bajartirardi.

"Nega to'xtading, qani, yugur!";

Vaqt o'tib, maktab yoshiga yetdim. U yerga ham rosa bir oy kechikib bordim. Bunga yana "qitmirligim" sabab bo'ldi: sunnat to'yimni qilishdi. Meni mindirib olgan ot yiqitib, qochib ketdi. Bilmadim, nega unday qildi. Tinchgina yotmasdan, ko'p "pitir-pitir" qilganim uchun kechroq tuzaldim.

Maktabda ham sho'xliklarimni bearmon davom ettirdim: qizlarning sochidan tortib, asabiga tegib, sinfdoshlarim bilan urishib-talashib, yarashib... deganday.

Shunday kunlarning birida odatdagidek "hunar" ko'rsatdim. Ustozlarim sarsan bo'ldi. Kamiga mening dastimdan bir o'qituvchimiz ishdan olindi. O'rganagan ko'ngil ekan, o'z bilganimdan qolmay yuraverdim...

Kimga qanday bilmadim-u, lekin men uchun Vatan bu dadamni ilk bor quchgan joyim, o'sha kasalxonaning qorong'i yo'laki, gipslangan qo'lim, operatsiyadan keyin o'zimga kelgunimcha tepamda yig'lab o'tirgan buvim, meni yiqitib qochgan ot, tonggi shudringlardan yitirib yotgan stadion, kechikibroq borgan maktabim, mening kasrimga ishdan haydalgan sho'rluk muallimam... Xullas, BOLALIGIM!

YOSHLIK ILHOMI

Bir kam dunyo

Xiyobonni supurayotgan ayolga ergashib yurgan besh yashar o'g'li yo'l chekida sotilayotgan shirinliklarga ko'z tushib, "Olib bering", — deya onasiga xarxasha qila boshladi. Ona bir farzandiga, bir shirinliklarga qaradi, ro'molining uchini tishlagancha ko'ziga yosh oldi...

Bu holatni kuzatib turgan basavlat bir ayol bolakayga shirinlik olib berdi-da, chetroqqa o'tib, ko'z namlandi. Uzoqlarga termulib yana xayolga cho'midi. "Qani endi, mening ham shunday bolam bo'lsaydi", — dedi u chuqur so'rsinib.

Ithom HASANOV

Kitobsevar

Kecha olgan kitobini yangisiga almashtirayotgan keksa ayolga kutubxonachi piching qilib dedi:

— Ayajon, burchayam ko'p kitob o'qimasangiz, qariganda olim bo'lmoqchimisiz?..

Onaxon bunga javaban kulib qo'ydi-yu, kitoblarni qo'ltiqlagancha uyiga shoshildi. Uydagi uni ko'z o'z nabirasi intizorlik bilan kutib o'tirardi.

Kiyishjon O'ZLOMOVA

Mehr

Buvim mehmon bo'lib keldi. Anchaqacha suhbatlashdik. Aytarli so'z qolmagach, oraga jimlik cho'kdi.

Bir payt buvim nimchasining cho'ntagidan telefonini olib, menga qarab gapirga ketti:

— Yusuf, tog'ang bir telefon qilay demaydi-ya! Eslamaydi ham! Men har kuni sim qoqaman. Ma, telefonimdan uning raqamini o'chirib tashla. Endi telefon qilmayman! Qani ko'raylik-chi, o'zi eslamirkan.

Buvim telefonni uzatdi. Ammo endi qo'limni cho'zayotgan edim, uni shartta qaytarib oldi.

— Shoshmay tur, — dedi biroq o'yalanib. So'ngra cho'ntagidan qog'oz-qalam olib tog'angning telefon raqamini yozib oldi. Keyin telefonni yana qaytib menga uzatdi.

— Ma, ol, o'chirib tashla!..

Umid ABD'UHAKIMOV

TAASSUROT

BAXTLI bo'lishga haqli!

Zulfizar MAVLONOVA

"Afg'onistonda bolalar ko'p, ammo bolalik yo'q". Xolid Husayniyning "Shamollar ortidan yugurib" asaridagi birgina shu jumlani o'qib, ayrim mamlakatlardagi notinchlik va shu tufayli shodligini yo'qotganlar haqida o'yladim. Ochlik, notinchlik sabab halok bo'layotgan kishilar, beshafqatlik va uning oqibatida murg'ak yuragi bilan hali dunyoni tanishga-da ulgurmag'an go'daklar surati ko'z oldimdan o'tdi.

Asarni tezroq o'qish va undagi voqealar rivojini bilish istagi paydo bo'ldi. Asar mutolaasi meni shu qadar sehlradiki, o'qigan sari qiziqishim, hayratim oshib boraverdi. Aniq aytalolman, agar siz ham bu asarni o'qisangiz, ilk xulosangiz bir-birimiznikiga yaqqol o'xshaydi: taqdiringizdan minnatdorlik hissi ni tuyasiz. Hech qanday xavf-xatar soya solmaydigan tinch yurtda yashayotganingiz, cheklolvarsiz ta'lim olayotganingizga shukronalik bildirasiz.

Asarda begunoh odamlarga azob berish, chorasiz qolgan aholini turli bahonalar bilan aylash, qiynash va bu ishdan rohatlanganlarining qabih harakatlari yorqin bo'yoqlarda ochib berilgan. Ayniqsa, bolaligi "o'g'irlangan"lar ahvoliga achinasiz.

Beixtiyor muqoyasa qilasiz. Mamlakatimizda kichikintoylar ota-onasining bag'rida kamol topmoqda.

Asar qahramoni, o'n ikki yoshli Suhrob obrazi orqali o'sha bolalar boshiga tushgan ko'rguliklarni fahmlaymiz: "Charchadim... Qaniydi, o'ta-onam yonimda bo'lsa, Sasa ham, Rahimxon sohib ham. O'zimizning eski uyimizda birga yashasak", — u barmoqlari bilan ko'zlarining yoshini artdi...;

"Men dadamni, onamni, hamma yuqinlarimni sog'inaman. Ammo bir hisobdan ular meni hozir ko'rmayotganidan kursandman, — dedi Suhrob o'kinch bilan. — Chunki men gunohga botganman".

Ha, biz bolalikning sho'x-shodon va baxtli onlarini xotirlaymiz, ular esa ko'z oldida qatl etilgan kishilar-u vahshiyliklarni eslaydi. Biz gohida dasturxonidagi noz-ne'matlardan nolisak, ular bir burda nonni ko'zga surtadi. Tongimizni quyosh nurlari yoritisa, ularda esa kun odamlarning ko'z-yoshi, uvvosi bilan boshlanadi. Ammo o'sha insonlarning ham xotirjam hayot kechirib, bir oila bo'lib yashashga, bolalari ilm olib, o'yin o'ynab, baxtli bo'lishga haqqi bor!

PSIXOLOG MASLAHATI

— Qizim olti yoshga to'ldi. Lekin xotirasi yaxshi emas. Bog'chada berilgan she'rlarni yodlatishga qiynalaman. Yodida saqlab qololmaydi. Allanimalarni bahona qilib, vaziyatdan chiqib ketishga harakat qiladi. Maslahat bering, nima qilsam bo'ladi?

Dilafro'z ODILOVA Toshkent viloyati



Savolga Shahnoza XALILOVA javob beradi:

— Farzandingizda diqqatni jamlash bilan bog'liq muammo bor. U fikrini bir joyga jamlashi qiyin, xayol-lari tez bo'linib ketaveradi. Bunday holatda, avvalo, uni kuzating. Diqqati qancha vaqtga bo'linayotganiga e'tibor bering. Amaldagi mashg'ulotlarni qiziqarli o'yinlar bilan almashiring.

Bolaga she'rni shunchaki yodlatmang, balki tasavvurlar bilan boyiting. Uni qiziqitiring, she'rni qo'shiq qilib aytishingiz ham yaxshi foyda beradi. Buni bola oson eslab qoladi.

Bolalar psixologi ko'rigida bo'lish ham samarali usul hisoblanadi. Maslahatim, masala jiddiy tus olmasidan harakatingizni boshlang. Chunki bunday salbiy holat farzandingizni ta'lim olishga bo'lgan ishtiyoqini so'ndirishi mumkin.

MULOHAZA UCHUN MAVZU



O'g'risi ham, to'g'risi ham o'zimizniki!

Mukarram OTAMURODOVA

Ko'cha boshidagi choyxona ta'mirlanayotganidan buyon mahalladagilarning oromi buzildi. Kunda bir piyola issiq choy ustida gurunglashib o'tiruvchi otaxonlar navbat bilan bir-birini kuzatib o'tirib, bugun buvaming navbati ekan, nonushtadan keyin qariyalari turmaqor bo'lib kirib keldi. Har zamonda choyni yangilab turishdek "o'ta muhim" vazifani menga ishonib topshirishgani sabab, bir qiziqarli suhbatga guvoh bo'ldim.

Eshitingizmi, Sharif tegirmonchining o'g'li Shavkatjon chempion bo'libdi, — dedi Nosir ota.

— Sharifning o'g'li sportchimidir? — so'radi buvam.

— Qanaqa sportchi, Shavkatjon matematik-ku! Matematiklarning musobaqasida birinchi o'ldi, — dedi Musulmon amaki.

— Bu bola maktabda ham yaxshi o'qirdi. Matematikadan o'zim dars berganman. Kunda qaysidir masalani ko'tarib kelardi. Vaqtim ziq bo'lsa-da, erimmay tushuntirardim. — maqtanib qo'ydi Salim muallim.

— O'ziyam otasidek ma'qul bola. O'g'lim bilan bir sinfda o'qigan. Onda-sonda ularni maktabga mashinamda olib borib qo'yardim, — dedi Murod amaki "olijano'bligimga qo'yilmissiz?" degandek atrofga ma'noli qarab.

— Nimasini aytasiz, tartibiga gap yo'q. Tengqurlari necha marta uzum o'g'irlagani kirganda ushlab olib rosa urishganman. Lekin Shavkatjonga o'zim uzib berardim, —

MUSHOHADA

Odamiylik belgisi

Nasiba ABDULLAYEVA

— Gilamlardan opqoling, sotaman-u ketaman, olmag'lar armondali!

Ko'chadan eshitilgan ovozdin hushyor tortgan xoja yangi kelgan xizmatkoriga nima gapligini bilib kelishni buyurdi. Zum o'tmay xizmatkor qaytdi.

— Xojam, — dedi u. — Gilamlarni ko'rdim, Ashxoboddan keltirilbdi. Tuya, qo'y junlaridan to'qilgan. Gullari rangi anor po'sti, gulxayri, za'faronan olinibdi. Har biri bo'yi sakkiz, eni uch gaz ekan. Arqog'i pishiq, uzoq yillar xizmat qiladi. Narxi yuz, savdolashlisa to'qson tangaga ham olish mumkin.

Xoja xizmatkorning puxtaligidan mamnun bo'lib, unga ishonchi ortibdi.

Yuqoridagi oddiygina hikoyatdan aytilgan ishini ko'ngildagidek ado etish qanchalar ahmiyatli ekanini dilingizdan o'tkazandiriz.

— Ishingizni puxta qiling, toki uni buyurgan odam pushaymon bo'lmasin, — derdi adabiyot muallimim.

Bu borada, avvalo, ota-onalar ibrat namunasi bo'lishi, qolaversa, farzandlariga tayinlangan yumushlar qay darajada bajarilganini nazorat qilishi zarur. Ular tomonidan bolaning yutug'i rag'batlantirilib, kamchiliklarini tuzatish yo'llari uqitirilsa, foydadan xoli bo'lmaydi.

Inson qaysi vazifa yoki kasb egallashidan qat'iy nazar, uni sidqidildan ado etib, so'ngra ortidan rahmat ehsitisa, buning gashiti bo'lakcha, albatta. Birgina shu so'z kishini ezguliklar sari chorlaydi. Qo'l uchida, behafsalama amalga oshgan yumush esa, odamlar nafratini qo'zg'aydi. Vazifasiga sovuqqonlik, loqaydlik bilan yondashganlar el nazaridan qoladi.

Bugungi kunda yosh er-xotinlar ajrashishining tub sabablari ham ularning epsizligi, uquvsizligiga borib taqaladi. Ota-onasining erkasi bo'lgan yigitlar ro'zg'orda na singan jihozni butlaydi, na yirtilgan gulqog'ozni yamaydi. Aslini olganda har bir o'g'lon sartaroshlik, duradgorlik, kosiblik, montyorlik, quruvchilik ilmidan bo-

xabar bo'lishi, bu kasblarning sirlarini voyaga yetguniga qadar o'zlashtirib olishi kerak. Faqat ishga borib keladigan, divanga cho'zilib, televizor ko'rishdan ortmaydigan otadan o'g'il-qizlar qanday namuna olsin?!

"Epli kelin — sepli kelin" naqli zamirida katta ma'no bor. Ota-onasi tomonidan xorij mebeli, o'ttiz-qirq yilga yetarli sarpo-sidrig'a, kuyovga qimmatbaho avtomashina kaliti topshirilsa ham, hech vaqt o'tmay qizlarning ota uyiga qaytishi ularni oila bekaligiga tayyor emasligidan dalolat.

To'yga bormoqchi edim, — deydi chilonzorlik Ma'rifat opa. — Bozordan ancha pulga kerakli masalliqni olib kelib, kelinimga ishdan kelgunimcha somsa pishirib qo'yishni tayinladim. Ishdan qaytib, ne ko'z bilan ko'rayki, oshxonada bir tog'ora kuyundir turibdi. Yig'lagudek bo'lib, qon bosimim oshib, g'ayrat bilan yondashish odamiylikning asosiy belgisidir.

Bugungi kunda mamlakatimizda ulkan bunyodkorlik ishlari amalga oshirilmoqda. Bunday ulug' maqsadlar ortida odamlar muammosini hal etishdek savobli ishlar o'z ifodasini topgan. Lekin ayrim pudratchi tashkilotlar tomonidan "Mendan ketguncha, egasiga yetguncha" qabilida qurilgan uylar yurtodoshlarimiz e'tiroziga sabab bo'lmoqda. Sifatlari, pishiq qurilgan uy 90-100 yil egasiga xizmat qiladi. Ammo hali topshirilmay turib, nuray boshlagan binolarga qarab, havoga uchgan sarf-xarajati o'ylaysiz.

Halol rizq kasbga sadoqatli xizmat qilish, buyurilgan har bir ishni o'z vaqtida, sifatlari bajarish evaziga keladi. Oddiygina yumushni ham do'ndirib bajarsangiz, buni ko'rganlar "Otangga rahmat!" deyishi tayin.

Hayotning qaysi jabhasida faoliyat yuritmang "Eng yaxshi..." unvoni sizga nasib etsin, bajaraning ishingizdan birov xato, kamchilik topa olmasin.

Robert de NIRO

HIKMAT

Biz muloqot qilayotgan odamlarimizga o'xshab boramiz. O'z qurshovingizni saralab yig'ing — biz qanchalik noyob bo'lmaylik, u baribir bizga o'z ta'sirini o'tkazadi.

MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR Faxriddin KARIMOV TAHRIR HAY'ATI Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Begmat Ochilov, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abdugodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Javlon Valofyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi Laylo HAYITOVA Dizayner Xurshid ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (71) 150-22-74, (71) 233-95-97, (71) 233-79-69 (faks)

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatida chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41. Indeks: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda. Buyurtma G-113 Adadi — 5156 Boshiga topshirish vaqti — 21.00 Topshirildi — 21.00